



SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT AND ESSENCE OF CRIME PREVENTION

Tillaev Ikrom Rustamjonovich

Independent Researcher at the Criminology Research Institute of
the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17441283>

ARTICLE INFO

Received: 18th October 2025

Accepted: 24th October 2025

Online: 25th October 2025

KEYWORDS

Crime, prevention, legal awareness, organizational foundations, preventive activity, social factors, legislation, inter-agency cooperation.

ABSTRACT

This article presents a scientific and theoretical analysis of the concept and essence of crime prevention. The existing legal definitions of the term "crime prevention" and their shortcomings are examined. Additionally, based on scientific approaches, the content of these concepts is analyzed, and improved definitions are developed. The article highlights the legal, organizational, social, and information-communication aspects of crime prevention and emphasizes the necessity of cooperation among entities engaged in preventive activities.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Тиллаев Икром Рустамжонович

Ўзбекистон Республикаси

Криминология тадқиқот институти мустқил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17441283>

ARTICLE INFO

Received: 18th October 2025

Accepted: 24th October 2025

Online: 25th October 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарлик, профилактика, ҳуқуқий онг, ташкилий асослар, профилактик фаолият, ижтимоий омиллар, қонунчилик, субъектлар ўзаро ҳамкорлиги.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва унинг моҳияти илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси" тушунчасига оид қонунчиликдаги мавжуд таърифлар ва улардаги камчиликлар ўрганилган. Шунингдек, мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашда илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилинган ҳамда мукамал таърифлар ишлаб чиқилган. Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий ва ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган ва профилактик фаолиятни амалга



*оширувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги
зарурлиги таъкидланади.*

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари тез суръатлар билан кечаётган бир шароитда жамиятда ҳуқуқбузарликлар хавфини камайтириш, барқарор ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва фуқаролар хавфсизлигини мустақкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Жамият ҳаётида кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар, аҳоли ўртасидаги турмуш даражасининг тенгсизлиги, маънавий қадриятлар девальвацияси¹ айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада шаклланмаганлиги ҳуқуқбузарликлар динамикаси ва таркибига бевосита таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан бири десак маболаға бўлмайди.

Мазкур мураккаб жараёнлар фонида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг сабабларни ва имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда тизимли тарзда бартараф этиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки фуқаролик жамияти институтлари, “маҳалла еттилиги”, таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситалари каби турли субъектларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган, шунингдек интеграциялаштирилган ҳамкорлигини талаб этмоқда.

Юқорида таъкидланган муаммо ва тенденцияларни инobatга олган ҳолда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминловчи ҳуқуқий, институционал ва ташкилий механизмларнинг яхлит мувозанатли тизимини яратиш бугунги куннинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан устувор вазифаларидан бирига айланмоқда.

Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб, “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” ҳамда унинг “ташкилий асослари” тушунчалари ва моҳиятини ҳар томонлама очиб бериш мақсадида илмий-назарий, қиёсий-ҳуқуқий ва амалий-ташкилий нуқтаи назардан таҳлил қиламиз.

Бироқ таҳлилларга асосланган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари “тушунчаси” ва “моҳияти” бир хил эмас, балки улар ўзаро боғлиқ бўлса-да, илмий нутқтаси ҳар хил маънога эга бўлган икки алоҳида категориядир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “**тушунча**” сўзи “*Нарса ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини, алоқа ва муносабатларини умумлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур; тафаккур шакли*” маъноларида келтирилган². Демак, **тушунча** – бу муайян ҳодиса, жараён ёки воқеликни англаш ҳамда унинг умумий, энг муҳим белгиларини ақлий таҳлил орқали ифода этиш

¹ Изоҳ: **Маънавий қадриятлар девальвацияси** — бу жамиятда азалдан муқаддас ва муҳим ҳисобланган ахлоқий, маданий, маънавий, миллий ва ижтимоий қадриятларнинг аҳамияти пасайиши, қадри қирралиб бориши, уларга бўлган ишонч ва ҳурматнинг сусайиши жараёнидир.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати// [Izoh.uz](https://izoh.uz/uz/word/tushuncha) сайтида моҳият сўзининг изоҳи ва маънолари. <https://izoh.uz/uz/word/tushuncha>.



воситасидир. Илмий нутқда тушунча муайян соҳага оид ҳолатни назарий жиҳатдан тавсифлаш ва аниқ таъриф бериш учун хизмат қилади.

Масалан, назарияда “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаси – бу жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, маънавий ва ижтимоий-психологик чора-тадбирлар тизими сифатида қаралади. Ушбу тушунча доирасида профилактик фаолиятнинг мақсади, вазифалари, шакллари ва амалга оширувчи субъектлари назарий жиҳатдан тавсифланади. Шу боис, “тушунча” – бу муайян ҳолат ёки соҳанинг умумий ва назарий тасвири ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, бу борадаги тадқиқотимизни уч хил ёндашув асосида таҳлил қиламиз.

Биринчи ёндашув: Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда масъул субъектлар ваколатларининг аниқ белгилаб берилганлиги, улар фаолиятининг самарали мувофиқлаштирилганлиги ҳамда институционал даражада ўзаро ҳамкорлик механизмларининг тўлиқ шакллантирилганлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барқарор ва тизимли фаолият юритишида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Бундай мураккаб ва кўп қиррали тизимни тўғри шакллантириш ва баҳолаш учун эса, аввало, **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** тушунчасини илмий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиш зарур. Чунки профилактиканинг мазмуни, мақсадлари ва функциялари аниқ белгиланмас экан, уни амалга оширишнинг ташкилий асослари ҳамда уларни таъминловчи механизмларнинг самарадорлиги тўғрисида тўлақонли хулосага келиб бўлмайди. Қуйида **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** тушунчасини илмий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қиламиз.

Биринчи таҳлил: Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (371-сон) Қонунида “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси**” – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими³ деган мазмунида таъриф берилган.

Қонунда келтирилган ушбу таърифни мукамал эмаслигини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

1) Қонун ҳужжатларида келтирилган таърифнинг мукамал эмаслиги ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлгани кузатилади. Бу масала юзасидан ҳалигача ягона илмий хулоса ва тушунча мавжуд эмас. Масалан, ҳуқуқшунос олим С.Б. Хўжақулов ўз тадқиқотларида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчасини аниқ ва ҳар

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон Қонуни// <https://lex.uz/docs/2387357>.



томонлама ёритиш мақсадида 20 дан ортиқ олимнинг фикрини таҳлил қилган ҳамда улар билан бевосита илмий мунозара олиб борган⁴.

2) Таърифда профилактика чораларининг мақсадлари кўрсатилган бўлса-да, натижалари (масалан: жамиятда ҳуқуқбузарликлар даражасини камайтириш, шахсни ижобий тарбиялаш, профилактик фаолият самарадорлигини таъминлаш каби) қамраб олинмаган. Илмий нуқтаи назардан, ҳар қандай таъриф натижавий меъёрни ҳам ўз ичига олиши керак.

3) Таърифда “якка тартибдаги профилактика” зикр қилинган бўлса-да, шахснинг индивидуал хусусиятлари, ижтимоий-психологик портретини аниқлаш, уни коррекция қилиш, хавfli ижтимоий гуруҳлар билан ишлашнинг аниқ услублари (психокоррекция, реабилитация, мотивацион интервенциялар ва ҳ.к.) қамраб олинмаган.

4) Замонавий профилактика фаолиятида ахборот коммуникация тизимлари, big data таҳлиллари⁵, геоақлли таҳлиллар, видеокузатув, “risk assessment”⁶ каби технологиялар кенг қўлланилмоқда. Таърифда ушбу техник-ахборот омиллари умуман акс этмаган.

5) Таърифда профилактика “чора-тадбирлар тизими” деб берилган бўлса-да, бу тизим кимлар томонидан ва қандай мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши ҳақида ишора ҳам йўқ. Илмий жиҳатдан қаралганда, профилактика – бу жамоавий ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар мажмуидир.

6) Таърифда профилактиканинг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими” мазмунидаги изоҳлар баён этилган бўлса-да, бироқ ижтимоий чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти етарлича очиб берилмаган⁷.

Иккинчи таҳлил: Замонавий ҳуқуқшунос олимлар таъкидлашича, “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” атамаси иккита мустақил, бироқ ўзаро боғлиқ тушунча – яъни “ҳуқуқбузарлик” ва “профилактика” тушунчаларининг бирикмасидан ташкил топган. Ҳар икки атама алоҳида ҳолатда ҳам кенг қамровли, мураккаб ва кўп қиррали маънога эга бўлиб, уларнинг мазмунини тўлиқ англаш учун илмий, ҳуқуқий ва мантиқий ёндашув талаб этилади⁸. Шу сабабли,

⁴ Хўжақулов С.Б., “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезиси, назарияси ва амалиёти” юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2023. –Б.61-70.

⁵ Изоҳ: Big Data — бу оддий дастурий воситалар билан таҳлил қилиш ёки сақлаш қийин бўлган **жуда катта ҳажмдаги ва турли шаклдаги маълумотлар тўплами**. Масалан: камералардан видеозапислар, ижтимоий тармоқлардаги фаоллик, телефон қўнғироқлари тарихи, банк амалиётлари, жиноятларнинг вақти ва манзили тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар.

⁶ “Risk assessment технологиялар” — бу ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятларни содир этиш эҳтимоли бор шахслар, ҳудудлар ёки вазиятларни аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланиладиган илмий асосланган баҳолаш воситалари ва алгоритмлар мажмуасидир. Бу технологиялар жиноятчиликни олдиндан тахмин қилиш ва профилактика чораларини самарали режалаштириш учун ишлатилади.

⁷ Хўжақулов С.Б., “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезиси, назарияси ва амалиёти” юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2023. –Б.99.

⁸ Саитқулов Қ.А., “Ички ишлар органлирининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш” юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2020. –Б.56.; Хўжақулов С.Б., “Ҳуқуқбузарликлар



“хуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчасини илмий жиҳатдан асослаш жараёнида ҳар икки таркибий қисм – яъни хуқуқбузарликнинг моҳияти ва профилактиканинг мақсад ҳамда вазифалари чуқур таҳлил қилиниши лозим. Бу эса, ушбу атаманинг мазмунини холис ва тизимли равишда очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Кўпгина олимлар “хуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчасини илмий жиҳатдан таҳлил қилишдан аввал, унинг назарий ва амалий асосини ташкил этувчи “профилактика” атамасига ойдинлик киритиб олиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Уларга кўра, “профилактика” тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўғри англамай туриб, хуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш имконсиздир. Шу боис, дунё юриспруденцияси ва криминологияси соҳасидаги кўплаб олимлар ўзларининг кўп йиллик илмий фаолияти, таҳлил ва кузатувларига асосланган ҳолда “профилактика” тушунчасига турлича таърифлар беришга ҳаракат қилганлар ва бу орқали ушбу атаманинг мазмун-моҳиятини аниқлашга интиланлар⁹.

Хуқуқшунос олим, З.Х.Амиров тадқиқотларида¹⁰ сўнги йилларда ҳимоя этилган илмий тадқиқот ишлари ва ўқув адабиётларида¹¹ хуқуқбузарликлар профилактикаси масаласи баъзи олимлар томонидан ёдга олинганлигини учратиш мумкин. Жумладан, А.И.Остапенко, В.И.Ремнев, Е.В.Додин, К.Л.Бугайчук, М.Ж.Эшназаров¹², О.Б.Андреев, С.Ф.Денисов, С.Б.Хўжақулов¹³, С.Г.Поволоцкова, Т.Л.Кальченко, Ш.Р.Ғофуров¹⁴, Ю.С.Шемшученка, Я.М.Квитки, Н.В.Лесько ва бошқалар¹⁵. Мазкур масала юзасидан қанчалик кўп тадқиқот ишлари олиб борилишига қарамасдан, “хуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаси ва у билан боғлиқ тушунчаларни аниқлаш юзасидан ягона ёндашув йўқ.

профилактикаси: генезиси, назарияси ва амалиёти” юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2022. –Б.99.

⁹Амиров З.Х., “Хуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш”. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2023. –Б.88..

¹⁰Амиров З.Х., “Хуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш”. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2023. –Б.88..

¹¹ Турсунов А.С, Фазилов И.Ю, Хўжақулов С.Б., Ғофуров Ш.Р. Хуқуқбузарликлар профилактикаси: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейлари учун дарслик / Масьул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – б. 155-156.

¹² Эшназаров М.Ж. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD). Илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2022. – Б. 128.

¹³ Хўжақулов С.Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD). илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018. – Б. 42-44.

¹⁴ Ғофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD). Илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2019. – Б. 200.

¹⁵ Лесько Н.В. К вопросу определения термина «профилактика правонарушений среди детей»// Международный научно-исследовательский журнал.2012 № ФС 77 – 51217.



Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласи юзасидан турли олимлар томонидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бу соҳада ҳали ҳам мукамал ва умумқабул қилинган назарий ёндашув шаклланмаган. Хусусан, “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаси ва унга яқин бўлган бошқа тушунчаларни аниқ ифода этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини белгилаш, ҳуқуқий ва криминологик нуқтаи назардан тўлиқ илмий асослаш борасида фикрлар хилма-хил ва бир-биридан фарқ қилади. Бу эса ушбу тушунча атрофида умумий ва ягона илмий ёндашувнинг ҳали шаклланмаганлигидан далолат беради.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда қуйидаги мукамал таъриф ишлаб чиқилди:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олиш ҳамда уларга олиб келувчи ижтимоий, иқтисодий, маънавий, психологик ва бошқа омилларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тизимли ва манзилли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуасидир.

Ушбу фаолият давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар томонидан амалдаги қонунчилик ва инсон ҳуқуқлари меъёрларига мувофиқ ҳолда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, прогнозлаш, профилактика ҳамда виктимологик ёндашувлар асосида амалга оширилади.

Профилактика жараёнида ташкилий, ҳуқуқий, ахборот-огоҳлантириш, тарбиявий ва ижтимоий-психологик таъсир чоралари ўзаро боғлиқ ва уйғун ҳолда қўлланилади ҳамда шахснинг ҳуқуқбузарликка мойиллигини камайтириш, унинг ҳуқуқий онги, маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришга қаратилади.

Мазкур таъриф юзасидан Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси ҳудудий профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, иштирок этганларнинг 64 фоизи ушбу таърифни маъқуллаган, 14 фоизи эса маъқулламаган. Қолган 22 фоиз профилактика инспекторлари томонидан эса таърифга нисбатан алоҳида фикрлар ва альтернатив таклифлар билдирилган.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тушунчанинг илмий асосланган ва амалий жиҳатдан мақбул таърифи, унинг мазмуни, мақсад ва вазифаларига нисбатан турли ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, профилактиканинг ташкилий асосларини чуқур ўрганиш заруриятини янада яққолроқ намоён этмоқда.